

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRINING
BUYRUGI**474 «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1117-3

(2012 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) 16-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буйраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1117-сон, 2002 йил 19 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 6-сон);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 12 июлдаги 86-сон «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1117-1-сон, 2002 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 14-сон);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 14 февралдаги 30-сон «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1117-2-сон, 2003 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 4-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

40 (540)-сон

— 67 —

474-475-моддалар

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 11 сентябрь,
69-сон